

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим Вазирлиги

Қарши давлат университети
Ижтимоий фанлар кафедраси

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ**

Ўқув-услубий қўлланма

Қ А Р Ш И – 2011

К И Р И Ш

Миллий истиқлол ғоясининг ўзига хос хусусиятлари, унинг энг асосий жихатлари хусусида кўп ва хўп гапирилди. Бироқ миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ҳаётий зарурият экан-лиги тўғрисида такрор ва такрор мулоҳаза юритса ҳам ўринли бўлади.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш зарурияти мам-лакат тараққиётининг ички мантиғидан келиб чиқмоқда. Юрти-мизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларда фуқарола-римизнинг фаол иштирокини таъминлаш учун уларни ягона ғоя атрофида бирлаштириш, ягона мақсад сари сафарбар этиш за-рур. Бундай вазифани эса фақат миллий истиқлол ғоясини шакллантириш орқали бажариш мумкин.

Жаҳондаги ўзгариб бораётган мафкуравий вазият ҳам мил-лий истиқлол ғоясини шакллантириш ва аниқ ифодалаш вази-фасини кун тартибига қўймоқда. Чунки мафкуравий полигон-ларда ғоявий кураш авж олган бир шароитда ўз ғоясини англаб етган, унинг атрофида жипслаша билган миллатгина тараққиёт-га юз тутди. Бинобарин, миллий истиқлол ғоясини шакллан-тириш – миллат тараққиётини таъминловчи омил ҳамдир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу рисолада миллий истиқлол ғоясини шакллантириш зарурияти билан боғлиқ маса-лалар атрофлича таҳлил қилинади. Рисола олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ва талабаларига мўлжаллан-ган.

§1.Миллий истиқлол ғояси – мамлакат тараққиётини таъминлаш омили

Барча замонларда, барча заминларда ҳам халқлар ўз орзу-умидларига, интилишларига эга бўлганлар. Ушбу орзу-умид-ларни миллий ғоя сифатида шакллантирган ва ифодалаган мил-латлар тараққиётга юз тутганлар, ўз фарзандларининг турли моддий ва маънавий неъматлардан тўлақонли фойдаланишларига шарт-шароит яратиб берганлар. АҚШ, Франция, Англия, Германия, Япония каби ривожланган мамлакатларнинг тажри-балари фикримизнинг яққол далилидир.

Аксинча, қайсики миллат ўз орзу-умидларини, интилишларини, келажакдан кутганларини миллий ғоя сифатида ифодалай олмаган бўлса, асрлар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бо-ши берк кўчаларида тараққиётдан бенасиб қолиб кетган. Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги қатор мамлакатларининг қолоқ-лиги ҳам ана шундан. Бинобарин, миллатнинг орзу-умидлари миллий ғоя сифатида ифодаланмоғи, тараққиёт мўлжалларини олаётганда назарда тутилмоғи шарт.

Мамлакатимизда миллатимиз орзу-умидларига мос бўлган тараққиёт мўлжаллари фуқаровий жамият ва ҳуқуқий давлат билан боғланмоқда. Зотан, «инсониятнинг буюк вазифаси ҳам... ягона, ҳуқуқлар яратувчи фуқаролик жамияти қуришдан иборатдир», -деб ёзган эди Иммануил Кант.¹

Фуқаролик жамияти деганда нимани тушунмоқ лозим? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Албатта, фалсафий тафаккур тараққиёти давомида ижтимоий фалсафа-нинг ушбу категориясига турлича таъриф бериб келинди.¹ Бугунги кунда ҳам бу категория турлича талқин этилади.²

¹ Цит олинган: Ступишин В. У кого власть в правовом государстве? // Международная жизнь, 1989, №11.- С.34.

¹ +аранг: Гегель Г. Философия права.- М.: Мысль,1990; Гроций Г.О праве войны и мира.-М:Мысль, 1956; Локк Дж. Два трактата о правлении. Сочинения в 3-х томах.Том 1.- М.: Мысль, 1988; Маркс К. К критике гегелевской философии права. // Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения.Том 1.- М.: Изд-ва полит. л-ры, 2-е изд.- С. 219-368; Платон. Государство. Сочинения в 3-х томах.Том 3. Часть 1.- М.: Мысль, 1971; Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре, или Начало политического права.- М.:1906.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бу жамиятнинг моҳиятини очиш учун А.П.Кочетов позициясидан ёндашган маъқул. «Фуқаролик жамияти,-деб ёзади у,- жамият аъзоларининг турли қадрият-лари, манфаатларини ифодаловчи давлатга бўйсунмаган ижти-мой муносабатлар ва институтлар йиғиндисиدير».³ Фуқаролик жамиятидагина жамият ва шахс эҳтиёжлари мувофиқлаштириб борилади. Шунинг учун ҳам буюк немис файласуфи Гегель фу-қаролик жамиятини давлат билан оилани боғлаб турувчи дифференция сифатида талқин этаркан, бундай деб ёзган эди:

«Фуқаролик жамияти қуйидаги уч моментни қамраб олади:

а) «алоҳида» индивид эҳтиёжларини ифодалаш, уларни шу индивид меҳнати орқали ҳамда бошқаларнинг меҳнати ва эҳти-ёжини қондириш орқали бажо келтириш; эҳтиёжлар системаси;

б) «умумийлик»да мавжуд бўлган озодликни, мулкчиликни адлия ёрдамида ҳимоя қилиш воқелиги;

в) мазкур системада мавжуд бўладиган тасодифий ҳоллар-нинг олдини олиш ҳақида ғамхўрлик қилиш ва айрим манфаат-ларга полиция ва корпорация орқали эътибор бериш».⁴

Фуқаролик жамияти фуқаролар ўз қадр-қимматларини англаб етганларида, ўз табиий ҳуқуқларини тушунган ҳолда си-ёсий сайлов қобилиятига эга бўлганларида шакллана бошлайди. Фуқаро ўз ҳуқуқларини чуқур ҳис этганидагина ҳокимиятга бўйсунган ҳолда ҳукмронлик қилади. Ана шундай шахслар ора-сидаги муносабатларни сиёсий адолатга мос деб ҳисоблай ола-миз.¹

Фуқаролик жамияти - «ҳар бир аъзосининг шахсини ва мол-мулкини ҳимоя қиладиган, ўзгалар билан биргаликда яша-са-да, фақат ўзига

² +аранг: Валиев А.+. Фуқаролик жамияти. // Мулоҳот, 1993, №9-10; Ступишин В. Гражданское общество и демократическое государство// Общественные науки, 1990, №1; Жумаев Р. Гражданское общество и проблемы укрепления и развития. // Экономика и статистика, 1996, №6; Эшонгулов А.И. Биз =андай жамият =ураймиз. //Мулоҳот, 1995, №9-10.

³ Кочетов А.П. О формировании гражданского общества. // Социально-политические науки, 1992, №1.- С.18.

⁴ Гегель Г. Философия права.- М.:Мысль,1990.- С.233.

¹ +аранг: Коркунов Н.М. История философии права.- СПб.:1896, С.45-51.

бўйсунадиган, озодлигини сақлаб қолган ки-шиларни бирлаштирган ассоциациядир».² Халқнинг ҳокимият устидан реал назорати, яъни халқ суверенитети ҳам ана шундай жамиятдагина шаклланади. Демак, фуқаролик жамияти шакл-ланган мустақил халқдир. Халқ эса-«давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир».³

Фуқаролик жамиятининг сиёсий борлиғи унинг вакил-ларининг қонунлар яратиш борасидаги фаолияти, сиёсий пар-тиялар, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари, маданий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошири-лади. Мазкур механизмда давлат тизимининг ўрни беқиёсдир. Хўш, фуқаролик жамиятини қандай давлат бошқариши лозим?

Ушбу саволга жавоб беришдан олдин шуни унутмаслигимиз лозимки, тоталитар давлат шароитида ҳокимият ҳукмрон бюрократик табақа - этакратия (давлат ҳокимиятининг вакил-лари) қўлида бўлса, «фуқаролик жамиятида инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун хизмат қилади».⁴

«Давлат тизими мақсад эмас, у инсонни ривожлантириш воситасидир, холос,-деб ёзган эди Вилгельм фон Гумбольдт.¹ Чунки инсонлар давлатни «Худонинг ҳоҳиш-иродаси билан эмас, балки тарқоқ ҳолда яшаётган оилалар зўравонликка қар-ши туришга қодир эмаслигини аниқлаганларидан кейингина ўз ҳоҳишлари билан барпо этганлар».²

Юқоридаги талабларга тўла мос тушадиган давлат шакли ҳуқуқий давлатдир. Ҳуқуқий давлат - «оммавий-сиёсий ҳоки-мият ташкилоти ва фаолиятининг, унинг ҳуқуқ субъектлари бўлмиш индивидлар билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий шаклидир».³ Унинг мазмунини ҳуқуқий (ёки юридик-норматив), индивидуал-ҳуқуқий (ёки индивидларнинг ҳуқуқ ва

² Руссо Ж.-Ж. Трактаты.-М.: Мысль,1969.- С.160.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон,2000.- 7 б.

⁴ Кочетов А.П. О формировании гражданского общества.//Социально-политические науки, 1992, №1.- С.14.

¹ Цит. олинган: История политических и правовых учений XVII-XVIII вв.- М.:1989.- С.188-189.

² Гроций Г. О праве войны и мира.-М.:Мысль, 1956.- С.203.

³ Нерсисянц В.С. Правовое государство: история и современность. //Вопросы философии, 1989, №2.- С.7.

эркинлик-лари), ташкилий-ҳуқуқий (ёки институционал-ҳуқуқий) компонентлар ташкил этади.⁴ Биринчи компонент ҳуқуқ (объектив хусусиятга эга ижтимоий феномен) ва қонун (расмий ҳокимият белгилаган нормалар) орасида маълум фарқ борлигини билди-ради. Иккинчи компонент эса оммавий ҳокимият билан ҳуқуқ субъектлари ўртасида замон талабларига мос бўлган муноса-батлар ўрнатилиши зарурлигидан далолат беради. Ва ниҳоят, учинчи компонентга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқларига тўлиқ амал қилиниши шартдир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- а) қонунлар ва қонунчилик актларининг ҳуқуқ принцип-ларига мослиги;
- б) ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқ қоидалари ва ҷамият анъаналарига зид эмаслиги;
- в) ҳуқуқий онг савиясининг юқорилиги;
- г) халқ ҳуқуқий онгини мутаносиб (адекват) ифодаловчи институтларнинг мавжудлиги.

Ҳуқуқий давлат асосини қонун устуворлиги эмас, ҳуқуқ устуворлиги ташкил этади. Чунки қонунларсиз давлатнинг ўзи бўлмайди. Ҳуқуқий давлатни қонун устуворлиги нуқтаи-наза-ридан асослайдиган бўлсак, ҳар қандай давлат ҳам бундай ма-қомга эга бўлади. Аслида эса қонунлари инсон табиий ҳуқуқ-ларини тўла ифодалай олмайдиган, демократик институтлари бўлмаган, халқи мустақилликдан, миллатлари эса ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, ҳокимият бир сиёсий гуруҳ қўлида ҷамланган давлат ҳуқуқий давлат мақомини ола олмайди. Ҳуқуқий давлат, энг аввало, инсоннинг табиий ҳуқуқ-ларини ифодаловчи, ҳимояловчи механизмдан иборат бўлмоғи лозим.

Инсоннинг энг асосий табиий ҳуқуқларини эса қуйида-гилар ташкил этади:

⁴ Ыша ерда, 7-б.

- а) яшаш ҳуқуқи;
- б) муносиб яшаш ҳуқуқи;
- в) оилали бўлиш, Ватанли бўлиш ҳуқуқи;
- г) ўз дунёқарашини мустақил шакллантириш ҳуқуқи;
- д) қонун олдида тенг бўлиш ҳуқуқи;
- е) мулкчилик ҳуқуқи;
- ж) эҳтиёжларини қондира олмаган давлатга норозилик билдириш ҳуқуқи.

Давлат ҳуқуқий системасининг инсон ҳуқуқларини таъминлай олиши даражаси эса ҳуқуқий давлатнинг бош мезони бўлмоғи даркор.

Хуллас, миллий истиқлол ғоясининг мазмуни мамлакати-мизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш билан боғлиқ. Чунки айнан ана шундай жамиятдагина барча фуқаро-лар орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун реал имкониятлар вужудга келади.

§2. Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели

Миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ижтимоий тараққиётнинг ўзбек моделига боғлиқ. Чунки айнан ана шу йўл Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш имконини беради.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социялистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнига ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Бошқача

айтганимизда, Ер куррасининг олтидан бир қисмида ислохотлар амалга оширилмоқда.

XX аср охирига келиб собиқ социалистик мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар эндиликда анъанавий тушунчаларга мос келмай қолганди. Мулкчилик, ишлаб чиқариш масалалари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазибалари янгича мазмун ва маъно касб эта бошлади.

Онгимизга сингиб келган «капиталистик» ва «социалистик» тушунчалар ўртасидаги фарқ аллақачонлар йўқолганлиги маъ-лум бўлиб қолди. Уларни сунъий равишда ажратиш мамлакат-нинг ижтимоий тараққиётига тўсиқ бўлиши мумкин, холос. Шу муносабат билан тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпар-варлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўллари хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати вужудга келди.

Юртбошимиз айтганидек, «ҳозирги ижтимоий, шу жумла-дан иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабоп, ҳар қандай мамла-кат учун бирдай тавсия этиш мумкин бўлган андозалари йўқли-ги аниқ-равшан бўлиб қолди».¹ Ижтимоий ривожланишнинг турли маданий, маърифий, тарихий анъаналарнинг нодирлиги ва ўзига хослигига таянадиган шакллари ва усуллари хилма-хиллиги маълум бўлиб қолади.

Бизга яхши маълумки, мамлакатдаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий руҳий, демографик, табиий-иқлим ва бошқа шароитларни инобарга олмаган ҳолда амалга оширилган ҳар қандай сиёсат ва ҳўжалик тажрибаси инқирозга учраши му-қаррар. СССРнинг парчаланиб кетгани, барча соҳаларни режалаштиришга мослаштирилган иқтисоднинг инқирозга юз тутиши, ресурсларни марказлаштирган тартибда, ўзбошимчалик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатлаирага ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбе-кистон: миллий исти-лол, и-тисод, сиёсат, мафкура. Том 1.- Т.: Ўзбекистон: 1996. 274-б.

билан тақсимлашга асосланган социалистик хўжалик яратиш усулининг барбод бўлгани фикримизнинг далилидир.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажриба-сига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти, хусусиятларини таяниши лозим эди.¹

«Бозор муносабатларига ўтишнинг консерватив андозала-ридан тортиб радикал андозаларгача, тадрижий (эволюцион) ривожланиш андозасидан тортиб то «фалаж (шок) билан да-волаш» тарзидаги жадаллаштириш андозасигача бўлган жаҳон тажрибаси бу андозаларни амалга оширишнинг турли кўламлари ва муддатларини ўрганишга имкон беради»,-деган эди И.Каримов.² Лекин маълум андозалардан кўра-кўрона нус-ха кўчирилса бошланган ҳар қандай ислоҳот самарасиз интиҳо топади. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бир-бирига ўхшайди-ган иккита одам бўлмаганидек, иккита бир-бирига ўхшаш мам-лакат ҳам бўлмайди. Агар ислоҳотларни амалга оширишда фақат ўзга мамлакат тажрибасидан фойдаланилса, мамлакат-нинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари инобатга олинмаса ислоҳотлардан муваффақият кутишнинг ҳожати йўқ.

Худди шунинг учун ҳам Президентимиз И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон – бозор муносабатларга ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида «ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисоб-га оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатлаи-рага ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбе-кистон: миллий исти-лол, и-тисод, сиёсат, мафкура. Том 1.- Т.: Ўзбекистон: 1996. 276-б.

² Ўша ерда, 276-б.

мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл» зарурлигини таъкидлаган эди.¹

Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели уч таркибий қисми ўз ичига олади:

- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи;
- қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик ти-зимида хўжалик юриштишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;
- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, танглиқдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқти-содий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Ушбу уч компонент истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент И.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тар-зи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жа-миятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги машҳур беш тамойили вужудга келди:²

Биринчи тамойил: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги ке-рак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил: давлат - бош ислохотчи. У ислохотлар-нинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатлаи-рага ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбе-кистон: миллий исти-лол, и-тисод, сиёсат, мафкура. Том 1.- Т.: Ўзбекистон: 1996. 276-б.

² Ўша ерда, 300-301-б.

Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қо-нун устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конс-титутция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчи тамойил: аҳолининг демографик таркибини ҳи-собга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муно-сабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини, айниқса кам таъминланган оилаларни, боаалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчи тамойил: Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқ-тисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда тадрижий асосда, босқичма-босқич амалша оширилиши шарт.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимо-ий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлат-чилик анъаналари, кадриятлари ва менталитетига таянган, айти вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбек моделининг асосий устувор хусусиятлари нималар-дан иборат? Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Фран-ция, Хитой каби мамлакатларнинг тараққиёт моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эди. Улар сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тубдан янгилашни назарда тутган эмас. Ушбу мамлакат-ларнинг бирортасида иқтисодий ислоҳотлар даврида миллий давлатчиликни, маданий меросни ва она тилини тиклаш сингари масалалар долзарб бўлмаган. Ўзбекистонда эса нафақат иқти-содий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий кадриятларини, халқнинг ўзлиги ва ғуру-рини қайта тиклаш масалаларини,

жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгилаш масалаларини ҳам ҳал этиш лозим эди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш, уни реаллика айлантириш учун энг аввало ижтимоий тараққиётнинг аниқ бир модели ишлаб чиқилиши зарур эди. Бундай модел мустақилликнинг илк йилларида Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Мамлакатдаги барча ижти-мой ўзгаришлар эса ана шу модел асосида амалга оширилди.

§3. Мафкуравий вазиятнинг ўзгариши. Мафкуравий бўшлиқни тўлдириш заруриятининг вужудга келиши

Кишилиқ тарихи тараққиётига назар солинса, бир ижти-мой тузумдан иккинчисига ўтиш даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам маълум муаммоларни ҳал қилиш зарурияти юзага келишига амин бўламиз.

Мафкура ҳар қандай жамият ҳаёти учун зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин.¹

Инсоният янги аср, янги минг йиллик бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Бир-бирига зид бўлган дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари баъзан баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, инсонлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳал=ни – ҳал=, миллатни-миллат =илишга хизмат этсин.// Баркамол авлод орзуси.- Т.:Шар=. 1999.- 32-б.

Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутблардан бири барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ.

Бундай тортишулардан кўзланган аосий мақсад- одамлар, энг аввало жамиятдаги ёшлар қалбини эгаллаш, бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги –туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдир. Президентимиз таъкидлаганидек, «фикр қарам-лиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликлардан ҳам даҳшатлидир».²

Мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддао-ларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.

Тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ният-ларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъанала-римизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қил-ганлар.

Бугунги кунда инсоният шундай информациялашган даврда яшамокдаки, у маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, элек-троника асри деб аталган ХХ асрнинг ниҳоясида-бугунги дав-римизда бу таъсирлардан ҳоли бўлиш асло мумкин эмас.

Президент И.Каримов таъбири билан айтганда «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Шу билан бирга кишини доимо огоҳ бў-лишга ундовчи томони шундаки,

² Ыша ерда.

агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин».¹

Ана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётӣ-миллий қадриятлари-га, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимиға, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бера олмайди.

Мисол тариқасида қўйидагиларни айтиш мумкин. Японияда тарқалган «АУМ Сенрике» деган диний оқим вакиллари, дунё-нинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, яъни манкуртга ай-лантириб қўйгани яхши маълум. Ёки дин ниқоби остида Мар-казий Осиё, жумладан Ўзбекистонга ҳам кириб келишга урина-ётган ваҳҳобийлик оқими намоёндаларининг зарарли кирдикор-ларини айтиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимизда яши-ринча фаолият олиб боришга уринган бошқа диний ташкилот-ларнинг ҳам фаолияти ҳаммага маълум.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жа-миятда ҳам вакуум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан информация ола-мида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракат-ларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда масаланинг долзарблиги янада ортиб бораётганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон ўз озодлигини қўлга киритгач, моҳиятан хал-қимизнинг табиатиға, дунёқарашига ёт бўлмаган коммунистик мафкураға барҳам берилди. Маълумки, умрини ўтаб бўлган ғоя, ҳақида ёки мафкура тараққиёт

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси хал=ни – хал=, миллатни-миллат =илишға хизмат этсин.// Баркамол авлод орзуси.- Т.:Шар=. 1999.- 32-б.

нуқтаи назардан инкор этилар экан, жамиятда янги бир ғоя, илғор бир фикрнинг шаклланишига эҳтиёж туғилади. Худди шу зарурият теран англаб етилмаган ҳолда ғоявий вакуум-бўшлиқ юзага келади. Аммо мафку-ра соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қўпгина ишлар қилинди, янгича дунёқарашни шакллантиришга интилинди. Би-роқ, табиийки, янгича дунёқараш бирдан шаклланиб қолмайди. Айнан мана шундай шароитда халқ ва давлатнинг эзгу мақсадларига ёш ва бегона бўлган ғоялар жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиши муқаррар. Айниқса, ғоявий беқарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар ортиб боради.

Худди шундай шароитда юртбошимиз И.Каримов айтгани-дек, «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришишга тайёр бўлмоқ лозим»¹. Мана шу ҳақиқатнинг бугун жамиятимиз, халқимиз учун нақадар долзарб эканини чуқур англаб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга ошириш учун халқни битта ғоя атрофида жипслаштириш лозимлигини тушуниб олмоғимиз шарт. Чунки мафкура-жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлашти-ради. Президентимиз И.А.Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобида «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғоя-си, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади»-деган эди².

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқ=ни-халқ=, миллатни-миллат =илишга хизмат этсин.// Тафаккур.1998.№2.4-б.

² Каримов И.А. Миллий истилол мафкураси –халқ= эътиоди ва буюк келажакка ишонч-дир.-Т.: Ўзбекистон.2000. 6-б.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда жаҳоннинг мафкуравий манзараси ниҳоятда ўзгариб кетди. Икки қутбли дунё шароитида атиги икки мафкура мавжуд бўлган бўлса, бу-гунги кунда жаҳонда кўплаб бунёдкор ва вайронкор ғоялар фа-олият кўрсатишмоқда. Боз устига, жаҳон сахнасида мафкуравий

кураш авж олиб бормоқда. Бундай шароитда мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш йигит ва қизларнинг онги ва қалбини вай-ронкор ғоялар таъсиридан қутқариш учун мафкуравий таҳдид кўринишларини мукаммал билмоқ, мафкуравий иммунитетни шакллантирмоқ зарур бўлади. Ушбу вазифаларнинг бажарили-ши, ўз навбатида, мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этилиши жараёнини жададдаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1.- Т.: Ўзбекистон.1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Том 2.- Т.: Ўзбекистон.1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3.- Т.: Ўзбекистон.1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Том 4.- Т.: Ўзбекистон.1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Том 5.- Т.: Ўзбекистон.1997.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Том 6. – Т.: Ўзбекистон.1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Том 7.- Т.: Ўзбекистон.1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Том 8.- Т.: Ўзбекистон.2000.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Том 9.- Т.: Ўзбекистон.2001.
10. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.// Ўзбекистон овози. 2002. 31 август.
11. Жўраев Т.Тузувчи ва бузувчи тизимлар.// Тафаккур. 2000. №2. 24-29-б.
12. Кароматов Г. Диний экстремизм–хавфсизликка таҳдиддир.// Мулоқот.1999.№2.39-40-б.
13. Маннонов Б. Туркистон ва Марказий Осиё. //Мулоқот,1998. №2. 6-8-б.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.:Янги аср авлоди. 2000. 22-27-б.
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди.2001.
16. Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва диний экстремизм.//Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.1998.№3.46-47-б.
17. Ҳайдаров Ў. Дунёвий хавфсизлик калити. // Мулоқот. 1998. №2. 4-5-б.
18. Ҳакимов Н.,Чориев А. Миллий истиқлол мафкураси.- Қарши: Насаф.2000.

МУНДАРИЖА :

К и р и ш.....	3
§1.Миллий истиқлол ғояси – мамлакат тараққиётини таъминлаш омили.....	4
§2.Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели.....	9
§3.Мафкуравий вазиятнинг ўзгариши. Мафкуравий бўшлиқни тўлдириш заруриятининг юзага келиши.....	14
Фойдаланилган адабиётлар.....	20